

“СИЁСИЙ СОЦИОЛОГИЯНИНГ ХУЛҚ-АТВОРЛАРИ”

Дипломат Университети Халқаро

муносабатлар йўналиши 2-курс

талабаси **Маржона Баҳодирова**

Фан-техника тараққиёти даврида ҳар бир касб эгаси нафақат ўз соҳасидаги касбий билимларни пухта эгаллаш ва катта тажриба орттириш, балки жамият ҳаётидаги воқеалар, инсонларнинг аҳлоқи, дунёқараши, маънавияти, тафаккури, ҳаёт тарзи тўғрисида ҳам ахборотларга ва билимларга эга бўлиши керак. Бундай билимларни ўрта мактабда, колledgeда, лицейда ва олий ўкув юртларида гуманитар ва социал-иктисодий фанларни ўқитиш ҳисобига эгаллашга ҳаракат қилинмоқда. Бу соҳада алоҳида шахсдан ва кичик гурухлардан тортиб, то жамиятнинг тараққий этиш ва ривожланиш қонуниятларини нафақат назарий жихатдан, балки аниқ конкрет тадқиқотлар орқали қрганадиган социология фани алоҳида ўрин эгаллайди. Хўш ўзи социология нима, Биз у орқали нималарни ўрганишимиз мумкин деган саволлар туғилиши табиий албатта. Социология — инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятининг ажралмас таркибий кисмидир. Унинг жамият тараққиёти йўлидаги бир нечта кўринишларни кўришимиз мумкин. Масалан социологияда тармоқ йўналишлар мавжуд бўлиб, бу сиёсий социология ҳисобланади. Социология айни кўриниши маҳсус бўлими ҳисобланаб, сиёсатшунослик ва социология соҳаларини ўз ичига олган тегишли фанлар мажмуйи ҳисобланади. Демократия ва бозор муносабатлари сари қадам ташлаган собиқ социалистик мамлакатларнинг халқлари олдида сиёсий маданият асосларини эгаллаш, ғоявий қолиллардан воз кечиши вазифаси турибди. Авваламбор — бу инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва ролини тушуниб етиш истаги билан, бошқа кишилар

билин хамкорликда эҳтиёжларини қондириш билан боғлик-сиёсатни тушунмаслик керак.

Сиёсий социология муҳим соҳа сифатида яқиндагина ажралиб чиқди. Гарбда бу фан XX асрнинг 30—50 йилларида қарор топган. Сиёсатда социологик ёндашувнинг ривожлантиришда К. Маркс, М. Вебер, Михеле, Москва, Парето ва Зигфрид каби олимларнинг ишлари катта роль ўйнади. Бу олимлар фаннинг бу икки соҳаларига булган илмий қизиқишнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатдилар. XIX аср охири — XX аср бошларида сиёсий фан анча тез ривожланди. Сиёсий социология ва политологияга муҳим ҳисса қўшган олимлардан Остроговский, Новгородцев, Чичерин ва бошқаларни кўрсатишимииз мумкин. Сиёсат, сиёсий муносабатлар, сиёсий онг ва бошқа муаммоларнинг уёки бу жиҳатларига бағишлиланган илмий ишлар нашр қилинди. Айни йўналишда сиёсий социологиянинг энг муҳим бўғини бу сиёсий хулқ-атвордир. Сиёсий хулқ-атвор - бу сиёсат соҳасидаги алоҳида омиллар, гурӯхлар ва жамиятларнинг сиёсий тизим фаолиятига бирон-бир тарзда таъсир кўрсатадиган ёки уни қўллаб-куватловчи ҳаракатлари мажмуи.

¹“Умумий социология” Илмий муҳаррирлар: профессор Н. С. Ализориев доцент Р. Т. Убайдуллаева 118 бет Т О Ш К Е Н Т -1999 ЙИЛ

²<https://studfile.net/preview/7632246/page:11/>

Бу ҳодиса сиёсатдан бутунлай воз кечиш, ишдан бўшашиб ва унда кенг кўламли усуллардан фойдаланган ҳолда фаол иштирок этишгача бўлган одамлар фаолиятининг турли шаклларини ўз ичига олади. Сиёсий хулқ-атвор, унинг модели ички ва ташқи қўплаб омилларга боғлиқ.

У ўз-ўзидан пайдо бўлган онгсиз мотивлар, масалан, оломоннинг ҳаракатлари ва мутлақо ўзига хос мафкуравий муносабат ва мотивлар билан яратилиши мумкин. Сиёсатшуносликнинг бу жиҳатини ўрганиш учун асослар 20-асрда Чикаго сотсиология мактаби вакили бўлган олимлар томонидан

қўйилган. Айнан шу даврда позитивистик дунёқараш оммалашди, шунинг учун сиёсий хатти-ҳаракатларнинг таркибий қисмлари бўлган сиёсий фаоллик ва одамларнинг ҳаракатлари каби тушунчалар жамиятнинг сиёсий соҳасидаги тадқиқотчилар учун долзарб бўлиб қолди. Сиёсий хулқ-авторнинг умумий соҳалари бўзйича оригинал тадқиқотларни нашр этади, кенг маънода институтлар, жараёнлар ва сиёсатларни ҳамда индивидуал даражадаги сиёсий хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Фанлараро журнал сифатида Политисал Беҳавиор интизомий йўналишлар бўйлаб ва турли даражадаги назарий таҳлиллар ёндашувларни интегратсиялашни рағбатлантиради.

Кўриниб турибдики сиёсий социологиянинг тадқиқот услублари ҳозирги кунда муҳим ва тез тараққий қилувчи соҳа ҳисобланади. Сиёсий фанларга нисбатан эса бу услублар эмпирик материалнинг асосий вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

¹“Умумий социология” Илмий муҳаррирлар: профессор Н. С. Ализориев доцент Р. Т. Убайдуллаева 118 бет Т О Ш К Е Н Т -1999 ЙИЛ

²<https://studfile.net/preview/7632246/page:11/>

³<https://a.co/d/97RqLwX>

³<https://a.co/d/97RqLwX>